



Таштис

29 ДЕКАБРЬ — ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ КУНИ

Сирдарё вилояти ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармасида бўлиб ўтган участка инспекторлари вилоят кенгаши қатнашчилари Ўзбекистон Президенти лавозимига Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодини бир овоздан қўллаб-қувватладилар. Уларнинг ишончи қомилки, Ислом Абдуғаниевич мазкур юксак вазифага сайланса, заҳматкаш ўзбек халқи замининда тинчлик ва озодалик, барча эллар-миллатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва келишувчилик мустақамланади.

Сирдарё вилояти ички ишлар идоралари ходимларининг ниятлари холис. Улар сайловгача қолган кунларда юксак масъулиятни ҳис этиб, пухта ва оқилона иш юритишга, ҳар қандай вазиятда қатъият ва вазминлик намуналарини кўрсатишга қарор қилдилар.

СУРАТЛАРДА: участка инспекторлари вилоят кенгашидан лаҳзалар.



ИШОНЧЛИ ВАКИЛ БИЛАН УЧРАШУВ

Дўстлик шаҳар ИИБ шахсий таркибининг президентликка номзод Муҳаммад Солиҳнинг ишончли вакили, «Эрк» демократик партиясининг шаҳар кенгаши котиби Эркин Искандаров билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ишончли вакил номзоднинг таржimai ҳоли, сайлов дастури билан йирилганларни таништирди. ИИБ бошлиги милиция подполковниги Мадийр Эгамбердиев ва қўриқлаш бўлими бошлиги милиция кичик лейтенанти Саид аҳмад Саиджалооловлар сўзга чиқишиб, Муҳаммад Солиҳ ҳақидаги ўз фикрларини билдиришди ва унинг номзодини қўллаб-қувватлашларини маълум қилдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Муҳаммад Солиҳ учун овоз беришга аҳд қилишди.

С. БОБОВЕВ.

ИСТАК

Ҳурматли муҳаррират ходимлари! Рўзноманинг «Қидирилмоқда» руқни остида қанчадан-қанча инсонларнинг бедарак йўқолаётганлигини, уларнинг қидирилаётганлигини тез-тез ёзиб турасизлар. Бу яхши, албатта. Лекин уларнинг бирортасини топилганлигини ва нима сабабдан йўқолганлигини рўзнома саҳифаларида ёритмайсизлар. Ана шулар ҳақида ҳам тез-тез мақолалар бериб борсангизлар, жуда яхши бўларди, деб ўйлайман.

МУЯССАР.

Гапнинг очиги, шу пайтгача милиция ҳаётини яхши билмасдим. Шу соҳада ишловчи кишиларга кўпчилик сингари ола кўз билан қарар, булар ҳам ўғри-муттаҳамларнинг ашаддий ҳомийси, дея ўйлар эдим. Назаримда, ички ишлар ходимлари «отнинг калласидай» машини ўзлаштириб, жиноятчилар билан курашишни ёлчитмай юришгандек туюларди.

Мана, қайта қуриш шарофати билан мамлакатимиз тепасидан коммунизм тумани тарқаб, теварак-атроф чарақлаб ёришди ниҳоят. Ҳамма-ҳамма нараса асл ҳолида кўзга ташлана бошлади. Мен ҳам ҳийла хушёр тортиб, кўпгина аччиқ ҳақиқатларни англаб етдим. Биз одамхўр жамятда яшаб келаётган эканмиз шу пайтгача. Назаримда одамларни зулмату жаҳолатда, қатлу қиргин остида, ваҳимаю қўрқув исканжасида маҳкам ушламоқ экан баъзи сиёсатдонларимиз нияти. Йўқса, бундай улкан ва қудратли ҳокимият учун халқнинг тўқ-фаровон ҳаётини таъминлаш, жиноятчиликни таг-томири билан қуритиш ҳеч гап эмас. Фақатгина истак ва хоҳиш бўлса бас.

Мен яқинда милиция ҳаётига доир бир қанча ўткир мақолаларни ўқиб, шунингдек, баъзи бир кинофильмларни томоша қилиб, йиғларимни ҳам, куларимни ҳам билмай қолдим. Жиноятчилик билан курашишнинг ядроси саналмиш ички ишлар

маҳкамалари моддий-техника базаси кучсиз экан! Мен аввало ишонмадим, сўнгра туманимиз ички ишлар бўлимининг ҳар хил баҳоналар билан «томоша» қилиб чиқдим.

Шалвираган, беўхшов кийимдаги милиция ходимлари ҳорғин ва оғир қадамлар билан у ёқ-бу ёққа ўтиб қайтишди. Гўё кимдир бу ерга уларни зўрлаб судраклаб келтиргандай. Секин сабабини суриштирдим. Еши ан-

чага бориб қолган, тажанг кайфиятдаги бир старшина, тўлиб турган экан шекилли, бутун дардини олдимга дастурхон қилиб ёйди. Таажубдан лаб тишлаб қолдим. Милиция ходимлари учун аниқ иш соати йўқ экан. Улар бошлиқларнинг буйруқ ва кўрсатмалари асосида баъзан ўн беш, ўн олти соатлаб, ҳатто кечаю кундуз ўз хизмат жойларидан жи-лишмас экан. Вайрам айёмлари, дам олиш кунлари милиция ходимлари учун календардаги қизил рақамлар экан, холос. Уларнинг аксарияти охири марта қачон кўпчилик қатори яқшанбани ёнбошлаганича чойхўрлик қилиб ёки бола-чақаси билан сайру саёҳатга чиқиб ўтказганини мутлоқ эслаёлмайди. Қушда тиним бор, аммо буларда йўқ.

«Хизматга яраша ҳақи бордир?» — дея сўрадим умидвор оҳангда. Бироқ сўраганимга пушаймон бўлдим. Милиция ходимининг ўртача ойлиги уч юз сўмни ташкил этаркан. Уч юз сўм-а?! Очиқ гап, ҳозирги пайтда, кўча четида ўтириб тиланчилик қиладиган дайдилар ҳам бундан икки-уч карра зиёд садақа йиғади.

Амриқода ишга кираётган полициячини аввал бир йил синаб кўришар, сўнгра

унинг моддий муаммоларини тўла ҳал қилишар, хусусан, биринчи навбатда уй-жой ва машина билан таъминлашар, йиллик машинани ўртача етмиш икки минг доллар этиб белгилашар экан. Бизда-чи, бизда? Бечора милиция ходими енгил автоулов нари турсин, бир хонали кулбача учун беш-олти йиллаб навбатда сарғаяди. Кимларгадир ялиниб ёлворади, охири ўз виждонига, ўз хизмат бурчига хилоф равишда иш тутишга мажбур бўлади.

Мен қизиқувчанлигим туфайли туманимиз ички ишлар бўлимини айланиб чиққан ўша кун бир-бирдан хунук, бир-бирдан кулгули ва фожали манзараларнинг гувоҳи бўлдим.

Туман ИИБ жойлашган бино таъмирга жуда-жуда

лиция катта сержанти Ф. Жумаев, оддий милиционерлар А. Мўминов ва У. Исомиддиновлар хушёрлиги туфайли 1440 сўмлик калава ҳаромтомоқларга насиб этмади.

Бирлашма ҳудудини кўздан кечириш чоғида милиция старшинаси Б. Жумаев ва оддий милиционер У. Оқбоевлар хилватроқ жойга талон-тороғ қилиш ниятида яшириб қўйилган нитрон толасини топиб олишди. Оғирлиги 796 килограмм, нархи 30.984 сўм бўлган ноёб маҳсулот цехга қайтарилди.

Тунги соат иккиларда ҳудуд бўйлаб навбатчилик қиладиган милиция ходимлари яна бир тўп толани «эгасиз» ётган ҳолда учратишди. Эгри қўллар чўнтагини қаппайтиришга аталган 28.921 сўмлик тола омборга топширилди.

Э. РАҲМАТОВ,
милиция майори.

«ҚУРИҚЛАШ» БИРЛАШМАСИДА

«НАВОИЙАЗОТ»ДАГИ

КАТТА ТАШМАЧИЛАР

Мазкур бирлашмани қўриқловчи бўлак командири ўринбосари милиция катта лейтенанти Д. Қулиев ва взвод командири милиция капитани А. Абдураимовлар жанубий дарвозада «КамАЗ-5320», «ЗИЛ-130», «МАЗ» белгили автомашиналарни тўхтатишди. Чунки юкнинг салмоғи ҳужжатда кўрсатилганидан мўлроқ кўринди. Текшириш давомида Хива шаҳридаги «Сўғдиёна» ширкатида жўнатилаётган халқ истеъмоли молларининг белгиланганидан 1400 килограмм ортиқлиги аниқланди. 12 минг сўмлик маҳсулотни ими-жимидо олиб чиқиб кетишга уринганларнинг омади чопмади.

Цехларнинг биридаги эркаклар кийимхонасига тўсатдан таширф буюрган милиция ходимлари ўмарига мўлжалланган калаваларга дуч келишди. Бўлак командири милиция капитани М. Уролов, взвод командири ўринбосари ми-

муҳтож. Дераза-эшиқлар лат еган, стол-стуллар майишган. Телефон аппаратларининг ярмидан кўпроғи фойдаланишга яроқсиз. Замоनावий техник қурилмалардан дарак ҳам йўқ. Айниқса, хизматдаги автоуловлар масаласи мени беҳад ҳайратлантирди. Шалоғи чиққан, шарти кетиб, парти қолган бу «тулпор»ларга ёнилғи маълум миқдорда ўлчаб берилар экан. Ана, холос. Ахир, давлат газнасини ўма-

БЕЧОРАЛАР ИЧРА БЕЧОРА

риб, «Тойото» ёки «ФОРД» маркали машинасида шамолдек қочишга тушган қароқчиларни ўлчовли бензин билан қаергача қувлаш мумкин? Шармандалик-ку, бу!

Мен бир оддий деҳқон одамман. Ҳукумат ички ишлар маҳкамалари учун, жиноятчиликка қарши кураш учун қанча маблағ ажратилишини билмайман. Аммо жиноятчиликни буткул тугатиш, элу юрт бошидан хавфу хатар, даҳшату қўрқув қўлакисини аритиш йўлида ҳукумат раҳбарларининг жиддий шуғулланиш пайти етди!

Токи биз ўзимиздек бечоралар ичра бечора жафокаш ва жабрдийда милиция ходимларидан бекордан-бекорга хафа бўлиб юрмайлик.

Сулаймон ҚОРИ,
Таллимаржон тумани.

ТҮЙ БАҲОНА

Тўй айни авжида. Отарчи қизариб-бўзариб хониш қилади. Даврада қиланглаётган ўйинчи эса пул олиш илинжида нуқул эркакларга иршайди. Маст йигитлар эса уч сўмлик, беш сўмликни «раққоса»га қистиришга, атрофида гирдакапалак бўлиб, бемаза қилиқлар қилишга ҳаракат қилишади. Еш-яланг эса бу томошадан кўз узмайди. Ҳамма ўзи билан ўзи овра. Ит эгасини танимайди.

Тўлавоё зийрак кўзлари билан кимларнидир қидиради. Секин Зокирнинг енгидан тортиб, четга судради.

— Зокир, яхшигина иш бор, нима дейсан?

— Қанақа иш?

— Собит ака уйдагилар билан ҳаммаси шу тўйда юришибди. Секин борамизда, магнитофонини шиламиз.

— Э, нималар деяпсан? Узинг яқиндагина...

— Қўрқоқ экансан-ку! Ҳаммасини мен бўйнимга оламан. Ҳеч ким билмайдиам Ҳаттоки.

Зокир Темурни чақирди. Учаласи биргалашиб Собит ақаникига йўл олишди. Ростдан уйда ҳеч ким йўқ эди. Темурни пойлоқчиликка қўйиб, Тўлавоё ва Зокирлар ичкарига киришди.

Фақатгина магнитофон ўмарамиз деган Тўлавоё бошқа буюмларга ҳам калхатдек ташланди. Улар 3867 сўмлик нарсаларни шилиб, уйларига ташиб кетишди.

Маҳаллада яна тўй. Бу гал Тўлавоё Исмоил, Муҳитдин, Темурларни хилватга етаклайди. Уй эгалари тўйда томоша кўришяптику. Ўз уйларида бўлаётган «ҳангома»дан хабарлари йўқ. Тунда кириб келишсаки, ҳаммаёқ алғов-далғов. 5089 сўмлик мулкидан айрилганига куйишгандан куйишди-ей...

Мирзобой хотин, бола-чақаси билан тўйга чиқиб кетган. Пича хизматини қилмасанг, қўни-қўшини олдида уят. Ахир, яхши ният билан юртга ош тарқатаётган бир томондан узоқ-яқинига кўз тикса, иккинчи томондан қўни-қўшини ёрдамига суянади-да. Яна бир тарафи бизни ҳам тўйга етказсин, дейди.

Нигоҳи имо қилаётган турмуш ўртоғига тушди-ю, унинг ёнига келди. «Нима, ўғри тушибди, дейсанми?» — деганча шошилиб уйига югурди.

Не кўз билан кўрсинки, машинасидан анча-мунча нарса ечиб олинган эди. Милиция ходимлари ҳисоб-китоб қилса, 1.100 сўмлик эҳтиёт қисмлар ўмарилган.

Фақат тўй кунлари содир этилаётган бу ўғирликлар тасодифми ёки уюштирилганми? Ҳар ҳолда ўғрининг четдан келмаганлиги маълум.

Микрофон хонанда овозини узоқ-узоқларга олиб бормоқда. Тўйга келаётган меҳмонларнинг кети узилмайди. Достон ака ҳам тўйда. Ҳар замонда ўйинқароқ ўғли уйдан хабар олиб турибди.

Буни кўздан қочирмаган Тўлавоё Мақсуд базмга кириб келиши билан Муҳитдин ва Содиқларни етаклаб, Достон ақанинг ҳовлисига киришди. Уй эшикларини қулф. Оғилхонада эса иккита мол турарди. 2500 сўмлик буқани, 2000 сўмлик сигирни секин арқонидан бўшатишди-ю, жадал ҳайдай кетишди. Олмазор ичига олиб келиб, дарахтга боғладилар. Тўлавоё қассоқ қидирадиган, Муҳитдин ва Содиқлар жониворларни қоровуллаб турадиган бўлди. Кечаси ким ҳам қассоблик қиларди, дейсиз. Мол сўйишга ҳеч кимни кўндиролмаган Тўлавоёнинг таъби тирриқ бўлиб, шериклари ёнига қайтди. Бир кўнгли ўзи сўйиб юбормоқчи ҳам эди-ю, бироқ удасидан чиқолмаслигига кўзай етди. Минг афсус билан

молларнинг арқонини ечиб юборди.

Мана Тўлавоё яна тўйда айланиб юрибди. Уни тўйга ишқибозлигининг сири бошқа ёқда эканлигини ким билиб ўтирибди дейсиз? Унинг кўзлари яна олазарак. Бу кўзлар кимни, нима мақсадда қидираётганини айтса экан.

Излаган одамларини топгандай бўлди-ю, сирғалиб кўчага чиқди. Аста бир хондонга яқинлашди. Эшик берк. Томдан ошиб тушишни мўлжаллади. Томга энди оёқ қўйганда ҳамки, дарвоза тарақлаб очилди. Тўлавоё фурсатни бой бермай жуфтакни ростлади.

Уй соҳиби ўзининг бемарид келиши билан ўғрини қочириб юборганини билмади.

Ўзбекининг юртида нима кўп, тўй-маърақа кўп. Ўзи оч ўтирса ҳам, элга ош тарқатмагунча кўнгли жойига тушмайди ўзбекининг. Нархнаво ошсада, пештахталар бўм-бўш бўлсада тўй даром этаверади.

Отарчи «Қиз бола»ни «Қизил олма»га, уни эса «Дўлана»га, «Дўлана»ни «Шаҳнозалар»га пайвандлаб, ўртада хониш қилади. Даврада ўйинга торт-торт бошланган. Ҳамма қандайдир завқ олади. Фақат 16 Ёшли Тўлавоёнинггина тўй билан иши йўқ. Гоҳ ҳовлининг у четида, гоҳ бу четида пайдо бўлиб қолади-ю, атрофдагиларга бепарво кўз югуртираётгандек кўринади. Унинг бирдан тўйхонадан ғойиб бўлишини ҳеч ким сезмайди, шубҳалантирмайди.

Содиқ ва Муҳитдинлар билан навбатдаги ўғирликка қўл урган Тўлавоё Қодир ақанинг уйдан 700 сўм пул ва 400 сўмлик заёмларни олиб чиқиб кетади. Пулларни тенг бўлишади, заёмлар эса ўғрибошида қолади.

Паркент тумани ИИБ ходимлари кетма-кет содир этилаётган ўғирликлардан ташвишга тушдилар. Олиб борилган ишлар натижасиз бўлавергач, яна бўлимда йиғилиш ўтказилди. Тунги мунтазам рейдлар ўтказишга келишилди.

ЖҚБ ходими милиция лейтенанти М. Мақсудов, участка инспектори Р. Холматов ва катта сержант С. Пўлатовлар туман кўчаларида айланиб юришаркан, бир ўсмирни тўхтатишди.

ИИБга уни келтиришдан мақсад шахсини аниқлаб, қўйиб юбориш эди. Бироқ унинг ёнидан 30 га яқин калитлар шодаси чиқди. Шунча калитларни тунда ўзи билан олиб юришига шубҳаланган ходимлар астойдил текшира бошладилар.

Маълум бўлишича, Тўлавоё ўғирлиги учун шу йилнинг март ойида туман халқ суди томонидан судланган, бироқ вояга етмаганлиги босис ҳукм ижроси кечиктирилган экан.

Дераза кўзлари қирқ ямоқ, деворининг сувоғи кўчиб, синилари кўриниб қолган, турли нарсалар тартибсиз сочилиб ётган ҳовлида аёл кишининг фарёди эшитилади.

— Бу кунларни кўргунча ўлиб қўя қолсам бўлмасмиди? Пешонам намунчаям шўр экан-а... Қандай бахтиқаро эканман, на эрдан, на боладан ёлчидим-а. Ҳаҳ, жувонмарг бўлгур-а. Отангники каммиди менга-я... Ундан кўра ўлиб қўя қолмасмидинг-а... Ҳаҳ, яшшамагур... Отасим қамоқда, боласиям қамоқда... Бу шармандаликдан қаёққа қочаман энди-я... Аёлнинг фигони тинмайди. Уч нафар жажжи қизалоқлар эса уйнинг бурчагига биқиниб, қалтираганча эшитиб туришади.

(Балоғат ёшига етмаганлиги сабабли айбланувчиларнинг исм-шарифлари ўзгартирилди).

М. ИБРОҲИМОВА.



ЎҒРИЛАР УШЛАНДИ

Шу йилнинг иккинчи сентябрь кунини эрталаб Жарқўрғон тумани ИИБ навбатчилик қисмига ташвиш хабар келди. 48-автокорхонанинг 3-автоколоннага қарашли гаражда турган «ГАЗ-2410» маркали автомашинанинг тўрт дона гилдиринини ҳамда «ЛАЗ» белгили автомашина кабинасидан «Электроника» магнитофонини гумдон этишибди. ИИБнинг бошлиқ ўринбосари милиция майори Жўра

Муродов бошчилигидаги терговчи милиция лейтенанти Чоршанби Чориев, жиноят қидирув бўлими ходими милиция капитани Алланазар Ҳазратқулов, участка инспекторлари милиция катта лейтенанти Турғун Эшонқулов, милиция лейтенанти Алишер Марамов ҳамда шофёр-милиция старшинаси Абдусамд Жўлиевлардан иборат тезкор гуруҳ зудлик билан воқеа жойида ҳозир нозир бўлди. Бир қанча ку-



АКС-САДО

ҚОНУНЧИЛИК САБОҒИ ЛОЗИМ

Мен Каримжон Ҳақимовнинг «Жиноятчиликни камайтириш мумкин» деб номланган мақоласини ўқиб жуда ҳам тўлқинланиб кетдим. У кишининг барча фикрларига юз фоиз қўшилганим ҳолда баъзи бир таклифлар киритмоқчи эдим ўзимча.

Урта мактабларда, худди физика, химия, жуғрофия

фанлари каби қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот бўйича ҳам сабоқ ташкил қилинса. Тўғри, бу режанинг амалга ошмоғи учун аввало жиддий ўйлаб кўриш, сўнгра эса астойдил жов койитиб меҳнат қилиш керак.

Хусусан, пишиқ-пухта дастурлар ишлаб чиқиш, дарслик ва қўлланмалар тайёрлаш масъул кишилар

олдидаги илк муҳим вазифадир. Менимча қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот сабоқларини милиция олий мактабининг тугатган ёки ҳуқуқшунослик маълумотига эга бўлган шахслар олиб боргани маъқул.

Зора мактаб партасида ўрғанилган билим ёш авлодин жиноятчиликдан қайтарса.

Т. АБДУРАҲИМОВ.

затув ва тахминлардан сўнг жиноятни фош этишга зўр берилди.

Ниҳоят, 1991 йил 5 октябрь кунини Бахтиёр Болтаев деган шахс гумдондор сифатида ушланди. Олиб борилган савол-жавоблар давомида у ҳақиқатдан ҳам ўз ақаси Алишер Болтаев, Константин Мумренков ва Баҳодир Сатторовлар билан ўғирлик қилганини тан олди.

Жиноятчилар ўғирланган нарсаларни Қумқўрғон туманидаги «ВЛКСМ 30 йиллиги» давлат хўжалиги ҳудудида яшовчи фуқаролардан бирига сотиб юборишган экан. Аммо, саргузаштлар бу билан тугамади. Тергов давомида жиноятчилар фаолиятининг янги қирралари очилиб қолди. 1989 йил 9 март кечаси «Коммунизм» жамоа хўжалигида яшовчи Оллоберди Абдуллаевнинг «Ява-350» белгили, 1991 йил 21 март кечаси фуқаро Айдар Хонтемировнинг «ИЖ-Планета-5» белгили нажавали мотоциклини, 1991 йил 30 март кечаси Жарқўрғонда яшовчи Юрий Глинскийнинг «Восход-3М» белгили мотоциклини гум этишгани, бундан ташқари уларнинг гуруҳида Марат Сағдиев, Мурод Фозилов, Рустам Боймуродов, Зокир Бердиқулов ва Алеся Бурашова номли шахслар борлиги аниқланди. Ҳозирги вақтда уларнинг бошқа содир этган жиноятлари ҳам фош этилмоқда.

А. САИТОВ.

Жарқўрғон тумани ИИБ бошлиғи милиция подполковниги.

Суратларда: Жарқўрғон тумани ИИБ ходимлари (ўнгдан) терговчи милиция лейтенанти Чоршанби Чориев, жиноят қидирув бўлими инспектори милиция катта лейтенанти Алимардон Мамадаминов, шунингдек, қўриқлаш бўлими бошлиғи милиция катта лейтенанти Шерали Поляновлар жиноятчи Бахтиёр Болтаев билан суҳбатлашмоқдалар. Жиноятчилар махсус уловга чиқарилмоқда.

Муҳаммад АМИН суратта олган.

НОМЧЕ

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Бунинг учун қонун олдиди жавоб бериши керак, берди ҳам. Лекин унинг қолган ҳаракатлари фақат ўзининг ташаббуси, фақат ўзининг хоҳиши билан бўлаётгани йўқ-ку. Уйлаймизки, ҳар қандай виждонли эркак унинг йўлидан борган бўлур эди. Нима бўлганда ҳам номус ўлимдан оғир. Ҳар ҳолда халқ шундай ҳисоблайди. Эркиннинг кўрсатмаси:

— 8 декабрь куни оқшом дўстим Ванянига бораётган эдим. 36-уйнинг ёнидан ўтаётганимда бир неча кишининг хоҳлаб кулаётганини эшитиб қолдим. Уларнинг орасидан хотиним Ленанинг овозини дарҳол танидим уйчага яқинлашдим, овоз шу ердан чиқаётган эди, у ерда эркаклар ҳам борлигини билди, хотинининг беғона эркаклар билан юришига гувох бўлсин учун дўстим Ваняни олиб келишга кетдим. Лекин унинг хотини бормади, деб туриб олди. Номлож орқамга қайтдим. Келиб уйчаннинг эшигини тақиллата бошладим. Дима чиқди, унга «хотиним шу ерда экан, мен уни олиб кетаман», дедим. Кўнмади. Уйга киргани ҳам кўймади. Иккаламиз туртишдик. Тўсатдан у юзимга мушт солди, йиқилиб тушдим. Туриб яна яқинлашган эдим тепди. Бу пайтда уйчадан яна бир йигит чиқиб келди орқа томонимда туриб олди. Уйладимки, улар мени дўппослаш ниятида. Дарҳол чўнтагимдан чет элда ишлаб чиқарилган пичоқни олдим, тигини очиб Димага яқинлашдим. Лекин у пичоқни кўриб ҳам ҳолатини ўзгартирмади. Хотинимга «бу ёққа чиқ» деб қичқирдим. У чиқмади, жавоб ҳам бермади. Шундан кейин аниқ билмайман, урдимми ёки пичоқ ушлаган кўлим билан итариб юбордимми, ишқилиб, Дима йўлдан қочди, мен ичкарига кириб кетдим. Еленанинг бошига бир мушт урдим. Шундангина, кўлимдаги пичоқнинг тиги қон эканини кўриб қолдим.

Шундай қилиб қотиллик юз берди. Кўпчиликнинг кўз ўнгида. Эркин борганда келишни хоҳламаган Ваня ва унинг хотини ҳам шу ерда эди. Ўзларининг айтишларича, «Взгляд» кўр-

сатуви тамом бўлгач, айлангани чиқишган, 36-уйнинг ёнига келиб, Димадан хотинини сўраётган Эркинни учратишди. Бу масалани жанжалсиз ҳал қилиш ниятида ичкарига кириб, Ленадан эрининг олдига чиқишни сўрашди, у эса буларнинг гашига қулоқ солишни ҳам хоҳламади. Ташқарига чиқиб, Эркинни айланиб ўтишаётган пайтда, зарбнинг синиқ товушини эшитишди, сезишадими, Эркин пичоқ билан Димани урган. Иван жон ҳолатда қичқириб юборди:

— Нима қилиб қўйдинг, юрагига тегдику!

Дарҳол Эркиннинг қўлини қайриб, пичоқни тортиб олишга ҳаракат қила бошлади. Кучи етмагач, уни ўз ҳолига ташлади-ю, Диманинг ортидан чопиб кетди. Хотини эса тез ёрдам чақиришга шошилди.



Диманинг онаси соат 21 ларга яқин ишдан қайтган эди. Томорқасидаги саройчада ўғли қизлар билан ўтирганини кўриб, уйга кириб кетди. У пайтда ҳеч қандай жанжал, галва йўқ эди. Соат 23 ларда улар чирокни ўчириб, саройчанинг эшигини ёпиб, қайгадир чиқиб кетишди. Шундан сўнг уйкуга кирди. Орандан қанча вақт ўтгани номасълум, эшикни кимдир қаттиқ-қаттиқ тақиллатганида уйғониб кетди. Уйқу сираб ташқарига чиқса, қўшиниси экан:

— Диманинг аҳволи оғир. Кўчага чопиб чиқиб, ўғлини уйнинг бурчагида ётганини кўрди. У йўлакчада, чалқанчасига ётар, қимирламас, кўзлари юмук, гапирмас ҳам эди. Ўғлини

тезда «Тез ёрдам» машинаси билан олиб кетишди, қўшиниси билан уйга кириб, касалхонага кўнғироқ қилишганда, уни ўлик эканини айтишди. Ҳамма воқеани у фақат эртаси кунигина эшитди.

Эркин шу куни кундузи кўпчилик «Таня хола» деб атовчи таниши билан ўтириб ичган эди. Оқшом мудҳиш воқеани содир этгандан кейин ҳам унинг уйига борди, гувоҳларнинг айтишича, ўша пайтда ҳам чўнтагида тиги қонга беланган пичоғи бўлган. У ердан ҳеч кимга ҳеч нарса демай чиқиб кетган. Орандан кўп ўтмай Оксана онаси — Таня холага кўнғироқ қилиб, Димани ўлдирганини айтди.

Эркин бу ердан чиқиб онасининг олдига бориб, бўлган воқеани оқизмай-томизмай айтиб берди.

Суд ҳам бўлди. Икки ўртада бир йигит бу ёруғ дунёни бир умрга тарқ этиб кетди... Икки ўртада бир йигит ўн йил ўтириб чиқадиган бўлди. Икки ўртада... бир аёл эса ялло қилиб юраверади. Мана номусу номуссизликнинг баҳоси қанчадан. «Қийин, қийин, бу дунёда номуслига қийин. Қўлингдан келса шундай яшаб кўр» (Р. Ота Турк). Қўлимиздан келармикин... Бу одам ўлдири, дегани эмас, фақат бугун ўз номусини ҳимоя қилмаган эртага ўз ватанининг шаънини ҳам ҳимоя қилмайди.

Мана сизга қанча вақтлардан буён оғиз кўпиртирганимиз, байналмилал оиланинг аҳволи. Тўғри, ҳаммасида ҳам бунчалик эмасдир, лекин эру хотиннинг битта динда бўлгани дуруст, шекилли.

Яна бир ҳақли савол туғилади, эр ўз хотинини онда-сонда тергаб туришга ҳаққи борми, йўқми? Ҳеч бўлмаганда наслининг софлигини таъминлаш учун. Еки «тенглик» деган нарса шунақаям ҳақкалаб олиб, қон, насл деган муқаддас тушунчаларни ҳам ямлаб юборганми?

Ёқубжон ЖАМОЛОВ,
Сирғали тумани прокуратураси катта терговчиси.

Исмоил ШОМУРОДОВ,
«Поста»нинг махсус муҳбири.

ТУМАНИМИЗ ФАҲРИ

Милиционерлик гоят машаққатли ва масъулиятли касб. Мен бунинг ўз хизмат фаолиятим давомида теран ҳис этганман. Шунинг учун ҳам жамоамиз орасида ана шундай серташвиш, сертахлика вазифани сидқидилдан адо этиб, кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлаётган ҳамкасбларим ҳақида тўлиб-тошиб гапиргим, улар олиб бораётган ибратли ишларни элга маълум қилгим келади.

Бу галги ҳикоям Яккабоғ тумани ички ишлар бўлимида ўн олти йилдан буён самарали хизмат қилиб келатган милиция капитани Тошкан Назаров ҳақида.

Тошкан билан суҳбатда бўлган ёки бирор юмуш билан ҳузурига кирган одам унинг камтару соддадил, мулоим ва ҳазилкаш, айни пайтда талабчан милиция ходими эканлигини дарҳол сезади. Тошкан Назаров хизмат вазифасига кўра ҳар куни қарийб юзлаб кишилар билан мулоқотда бўлади. Турли «дард» билан келганларнинг мушқулини енгилатишни, йўл-йўриқ кўрсатишни у ўзининг асосий бурчи деб ҳисоблади. Бу меҳнатсевар одамнинг ҳузурдан норози бўлиб, ранжиб чиққан кишини мен меҳнат фаолиятим давомида учратган эмасман ҳали.

У Тошкент қишлоқ хўжалик олийгоҳини тугатгач, икки йил ҳарбийда зобит бўлиб хизмат қилди. 1975 йилда комсомол йўлланмаси билан бизнинг жамоамизга ишга келди. Аввал участка вакили, кейин оператив навбатчи вазибаларида астойдил хизмат қилди. 1986 йилдан буён ички ишлар бўлимининг паспорт столи бошлиғи сифатида ишлаб келяпти.

Тошкан Назаров чақон, бақувват, шунингдек, теран

фикр эгаси. Ички ишлар бўлими ходими сифатида туپлаган тажрибаси унга кўпгина муаммоларни ҳал қилишда қўл келаётир. У 1983 йилда ўта хавfli жиноятчини ушлашда фаол қатнашганлиги учун Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг «Фахрий Ерлиги» билан мукофотланган эди. 1988 йил апрель ойида туманимизда ваҳшиёна жиноят содир бўлди. Ўша жиноятчини ушлаш учун тезкор гуруҳ тузилди. Уларнинг орасида ёш милиция ходими Тошкан Назаров ҳам бор эди. Икки кишини уриб, «Москвич» машинасини олиб қочган жиноятчи эса анча маккор ва тажрибади, устига-устак қуролланган эди.

Белгиланган ҳудудда жиноятчи қуршовга олинди. Аммо ўқ отиш ва бошқа совуқ қуроллари бўлганлиги сабабли унга яқинлашиш хавfli эди. Вазият жуда қалтис. Агар режа асосида аниқ иш қилинмаса, фурсат бой берилса, жиноятчининг шериклари келиб, уни қутқариб кетиши мумкин. Ана шундай тахлиқати бир пайтда Тошкан жиноятчиға тўсатдан ташланди-ю, унинг қўлидаги қирқма миллиқни уриб туширди. Жиноятчи қўлга олинди. Тошкан Назаровни кўрсатган жасорати учун Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси қимматбаҳо совға билан мукофотлади.

Баҳриддин АЛИҚУЛОВ,
Яккабоғ тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари милиция капитани.

Суратда: туман ИИБ паспорт столи бошлиғи милиция капитани Тошкан Назаров фуқаро Муҳтарам Норбоевага паспорт топширмакда.



Милиция капитани Баҳром Турсунбоевнинг ички ишлар соҳасида фаолият кўрсатаётганига 21 йил бўлди. Демак у эгинга милиционер формасини кийганида туғилган чақалоқ ҳозир норғул йигит бўлиб етишди. Ҳа, умрини бежиз оқар сувага қиёс этишмас экан. Аммо шуниси ҳам борки, Баҳром Турсунбоев учун оқар сув бекор оқиб кетгани йўқ. Касбига садоқати туфайли аввало ҳамкасблари, қолаверса, бошқа оддий фуқаролар ўртасида обрў-эътибор қозонди. Бугунги кунда у Пскент тумани ИИБда навбатчи бўлиб ишлаяпти.

Сураткаш Ҳабибулла ШОДИЕВ.

МОЛ ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Ҳар галгидек участка вакили милиция катта лейтенанти Алижон Раҳмонов қўл остидаги оддий милиционерлар билан ўз тасарруфидаги керакли жойларни айланиб келиш учун шайланиб туришган эди, Ленинград тумани ИИБ жиноят қидирув вакили милиция капитани Баҳодир Тўйчиев келиб қолди.

— Отланиб турибсизлар, йўл бўлсин?— суради Баҳодир.

— Бир-иккита объектларни кўздан кечириб келсак, деб тургандик.

— Бўпти-да, мен ҳам сизлар билан.

Улар биргалликда Мозорбуна қишлоғига жўнашди.

Қоқ ярим кечаси эмасми, атроф жим-жит. Яқин ўртада тирик жон борлиги седа тирик жон борлиги сезилмайди. Ана шундай ўзига хос,

қишлоқнинг сокин тунида мол етаклаб юрган кишига биринчи бўлиб Алижоннинг кўзи тушди. Кўзи тушдию ёнидагиларга секин шивирлади:

— Ўзларингни четроққа олиб туринглар. Яқин одам бемаҳалда мол етаклаб юрмайди. Берироқ келса суриштирамиз.

Номасълум кимса «кўча меники» дегандек бемалол келаяпти. Ҳар-ҳар замонда етовидаги молнинг арқонини силтаб-силтаб ҳам қўяди. Қутилмаганда олдидан чиқиб қолган милиция ходимларини кўриб, кўзининг пахтаси чиқиб кетаёзди. Гапини йўқотиб, булар ердан чиқдимми, осмондан тушдимми дегандек ён атрофга алаңлар, оғзидан чиқаётган пойнилар-сойнилар сўзларнинг фаҳмига ҳам етмасди. Бир амаллаб «молни уйга олиб кетяп-

ман», деган гапини тушутирди.

Участка вакили бу йигит ўз тасарруфидаги ҳудудда яшамаслигини биларди. Уни текшириб кўриш учун участка биносига олиб келишди. Текширувлар натижасида бу шахс қип-қизил мол ўғрис экани аниқланди. У—Б. Тожибоев, 1969 йилда туғилган. Наманган шаҳрида яшайдиган, ҳеч қайда ишламайдиган, олдин ҳам бир марта ўғрилиғи учун судланган экан. Ўша туида бир бечора деҳқоннинг ёлғиз сиғирини ўғирлаб кетаётган экан.

Хуллас осойишталик побонларининг хушёрлиги туфайли ўғри жазоланадиган бўлди, мол эса эгасига қайтарилди.

А. ҒАНИЕВ,
милиция майори.

